O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 9 апрель, №76 (3188) Чоршанба

Бугун – Амир Темур таваллуд топган кун

Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир.

Ислом КАРИМОВ.

СОҲИБҚИРОН САБОҚЛАРИ

Шаҳрисабз — Темурдек бобомизни камолга етказган шаҳар. Яшил шаҳар, гўзал шаҳар, ориятн баланд, иймони бутун инсонлар юрти Шаҳрисабзда бўлиб, Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали пойидаги беҳисоб гулларга боқиб, ҳайкал оша маҳобатли Оқсаройга нигоҳ ташлаган кезларимда беихтиёр Президентимизнинг қуйидаги сатрлари ёдга келади: «Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини ғоят қутлуғ маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намояндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг отабоболари ҳудди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машҳур этган, донғини таратган зот, шубҳасиз, Соҳибқирон Амир Темур бобомиздир». «....Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак».

Ҳа, худди шундай. Ҳаётда бунга гувоҳ бўлиб турибмиз. 7 апрель куни эрталаб танишим — «Ўзсантехгазмонтаж» бирлашмаси Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи Раҳматилла Менгликуловни учратиб қолдим.

— Шаҳрисабзга кетаяпман, — деди у шодон кайфиятда. — Биласиз, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги муносабати билан у ерда биз кўплаб объектларни қурдик. Жумладан, маданият саройини ҳам. Ана шу ерда Амир Темурга бағишланган анжуман бўларкан. Ўшанда қатнашамиз. Худо хоҳласа, шаҳар аҳлига ўз ҳисобимиздан ош тарқатиб, Соҳибқиронни ёд этиб, Қуръон тиловат қилдирмоқчимиз.

Бу шунчаки бир кишининг гапи, қилмоқчи бўлаётган иши эмас. Аслида, ҳар бир киши Амир Темурдек буюк зотнинг улуғ ишларини доимий равишда, таваллуд йили баҳона ҳар кун, ҳар соат ёдга олиб, буюк келажакка ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

— Амир Темур ҳақида хорижда 500 дан ортиқ, Шарқ мамлакатларида 900 дан кўп турли-туман илмий, бадиий асарлар чоп этилган, — дейди Қашқадарё вилоят Маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби Маматқул Ражабов. — Мустақиллик йилларида эса ул зот ҳақида олимларимиз, ёзувчиларимиз томонидан кўплаб асарлар яратилди. Соҳибқирон таваллуд топган кун арафасида вилоят, шаҳар, туманлар кутубхоналарида ана шу асарларнинг тақдимот маросимлари ўтказилди. Айримлари бўйича мактабларда, ўқув юртларида китобхонлар конференциялари уюштирилди. Мақсад Амир Темурни тўла идрок этиш, чуқур англаш.

(Давоми 2-бетда).

Авлодлар эҳтироми.

Илмий-амалий анжуман

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги музейида Соҳибқирон Амир Темурнинг 667 йиллик юбилейи муносабати билан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Халқаро Амир Темур жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу мулоқот "Темурийлар давлат сиёсати — адолат мезони" деб номланди.

Илмий-амалий анжуманда Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Қ.Қуранбоев, тарихчи олим Ашраф Аҳмедов, Амир Темур илмий экспедицияси раҳбари Фахриддин Ашрафхўжаев ва бошқаларнинг маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

* * *

Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги Амир Темур маҳалласида ҳам Соҳибқирон таваллудининг 667 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. "Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳамда унинг жаҳон тарихида тутган ўрни" мавзуидаги ушбу анжуман Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат маркази Сирғали туман бўлими томонидан уюштирилди.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
ЎзМУ талабаси.

ҲИСОБОТ БИЛАН ЧЕКЛАНИЛМАДИ



Бундан бир муддат олдин парламент Ёшлар ишлари қўмитасининг депутатлар ва мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида» ва «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Қонунларнинг Самарқанд вилоятидаги ижроси ўрганилган эди. Хўш, назорат-таҳлил жараёнида нималар аниқланди? Қонунлар ижроси юзасидан вилоятда қандай ишлар амалга оширилган? Мазкур қўмитанинг кеча бўлиб ўтган йиғилишида ана шу саволларга ойдинлик киритилди.

Тўғри, ушбу қонунларнинг ижроси юзасидан вилоятда муайян ижобий ишлар олиб борилган. Бироқ, йиғилишда таъкидланганидек, назорат-таҳлил ўтказилган барча ташкилотларда қонунлар ва қонуности ҳужжатларини яхши билмаслик яққол кўзга ташланади. Бу эса ўз ўрнида очиқданочиқ қонунбузарликларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуннинг «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш» ҳақидаги энг муҳим 7-моддаси талаблари «Темирчи» хусусий фирмаси, «Ўзбектелеком» АЖ Самарқандтелефон филиали, «Самарқандтранс» автокорхоналар уюшмаси ва унга қарашли 2522-автокорхона, «Самарқанд» жамоа хўжалиги маъмуриятлари томонидан қўпол равишда бузилиб, бу ташкилотлар лицензиясиз фаолият кўрсатаётганлиги

Олий Мажлисда

аниқланган. Энг ажабланарлиси, шу вақтгача вилоятдаги бирон-бир мутасадди назорат идораси уларга нисбатан ушбу қонунбузарликлар бўйича ҳеч қандай жавобгарлик чораларини кўрмаган.

Шуни ҳам айтиш керакки, бундан икки йил муқаддам ҳам ҳудди шу қонунларнинг ижроси Қашқадарё ва Навоий вилоятларида ўрганилиб, қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланган эди. Шундан сўнг мазкур қўмита, анъанага кўра, қабул қилган қарор нусхаларини ана шу қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида барча вилоят ҳокимликларига жўнатганди. Йиғилишда айтилганидек, бунга жавобан Самарқанд вилоят ҳокимлиги мутасаддиларидан ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар талаби тўла-тўкис бажарилаётганлиги, камчиликлар бартараф этилганлиги хусусидаги ҳисобот парламент қўмитасига тақдим этилган. Аммо бугунги манзара... Масаланинг ана шу жиҳатига эътибор қаратган мазкур қўмита раиси Азамат Зиё қуруқ қоғоз ва кўзбўямачилик тараққиётимизга жиддий ғов бўлиши хусусида алоҳида тўхталди.

Йиғилишда, шунингдек, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Қонунига вилоятда қай даражада риоя этилаётганлиги ҳам муҳокама этилди. Чунончи, вилоятда мазкур касалликнинг олдини олиш, фуқароларнинг бу борадаги қонуний ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, санитария ва эпидемиологик режим талабларини, гиёҳвандлар орасида ОИВ тарқалишига қарши чора-тадбирларни кучайтириш, ишонч пунктлари ишини яхшилашга оид тавсиялар берилди.

Йиғилиш якунида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, унинг ижроси бўйича масъуллар белгиланди.

Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ички бозор

ўз маҳсулотларимиз ҳисобига

Бугунги кунда рақобатбардош, сифатли маҳсулотларни ўз юртимизда ишлаб чиқариш, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан тўлдириш ҳақида кўп гапирилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан эса бу борада бир қатор чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, маҳаллий шароитда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида кенг қўламли солиқ имтиёзлари жорий этилди. Улгуржи ва чакана савдони тартибга солиш, республикамиз ҳудудида улгуржи савдо бозорлари, дўконлар, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари тармоғини ривожлантиришга қаратилган бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди.

Ҳақли савол туғилади: буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда халқимиз ва мамлакатимизга нима беради? Аввало, шуни айтиш керакки, юртимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун кенг имкониятлар мавжуд. Яъни зарур хомашё ҳам, малакали ишчи кучлари ҳам бисёр. Зеро, фақат шунинг ҳисобидан одамларни иш билан таъминлаш ва биз учун мураккаб бўлиб турган ишсизлик муаммосини ҳал этиш, жаҳон ҳамжамияти ва дунё бозорида ўзимизга муносиб ўринни эгаллашимиз мумкин.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ҳозирги кунда ички истеъмол бозорини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан тўлдиришда юзага келган аҳвол ҳеч кимни, табиийки, мутасадди раҳбарларни ҳам қониқтирмаяпти. Сабаби — кўплаб миқдордаги товарлар мамлакатимизга ноқонуний равишда, яъни контрабанда орқали келаяпти. Ташвишли томони шундаки, бундай товарлар, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари божхона масканларини четлаб ўтиб, бож ва солиқ тўламасдан, энг ёмони — таркиби ва сифати текширилмаган ҳолда олиб кирилаётир. Устига устак, маҳсулот харидорга етиб боргунга қадар бир неча «қўл»дан, аниқроғи, олибсотарлардан ўтаяпти. Пировардида ўз-ўзидан нархнаво ошиб, бунинг жабрини фақат харидорлар тортмоқда. Бунга тоқат қилиб бўладими? Давлат хазинасига тегишли солиқ ва божлар нега тўланмаслиги керак? Ўзимизда етарли миқдорда хомашё ва малакали кадрлар бор экан, нима учун ички бозоримизни тўлдиришдек муҳим масалани импортга боғлиқ қилиб қўйишимиз лозим?

— Ростини айтсам, мам-

Бугуннинг гапи

лакатимизда хорижнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ, сифатсиз товарлари, жумладан, истеъмол қилиш муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари олиб кирилишига тўсиқ қўйилгани айни муддао бўлди, — дейди «Тошкент универмаги» савдо-ишлаб чиқариш очиқ акциядорлик жамияти раиси Ҳабибулло Шарипов. — Нима учун? Шунинг учунки, товарларнинг назоратсиз, ноқонуний тарздаги оқимига ҳеч бир давлат иқтисодиёти, айниқса, ўз ривожланишининг ўтиш босқичида турган мамлакат иқтисодиёти дош бера олмайди. Бу ҳақиқатни Президентимиз тинмай эслатадилар. Мен яна бир нарсадан ҳурсандман. Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, товарлар ва маҳсулотларни ўз ҳудудимизда ишлаб чиқариш учун барча керакли шарт-шароит яратиб берилмоқда. Айниқса, ушбу ҳужжат талабларига биноан, товар ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани айни муддао бўлди, — дейди «Тошкент универмаги»да бўлган ҳар бир киши, аввало, бу замонавий супермаркет хорижий мамлакатлардаги манаман деган савдо мажмуалари билан бемалол беллаша олишига, қолаверса, пештахталарни тўлдириб турган турли-туман товарларнинг юқори сифатли, рақобатбардош ва энг муҳими, арзон эканлигига, жамоада эса савдо маданияти рисоладагидек йўлга қўйилганига иқрор бўлади. Ва, табиийки, харидорлар унда асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилаётганини кўриб, «Бўлар экан-ку!» дея бир-бирларидан суюнчи олишга ошиқадилар. Ана шу биргина «Бўлар экан-ку!» деган жумла замирида аслида ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларига ишонч, инсонга хос фахр ва ғурурланиш хислатлари мужассам эмасми?

Бундай дейишимнинг боиси бор, албатта. Харидор сифатида супермаркетнинг учала қаватини бирма-бир айланиб чиққанимдан кейин менинг ўзим шундай ҳисларни бошдан кечирдим. Ўйлайманки, савдо бўлимларида харидорларга тақдим этилган «Хива гилами», «Бухоротекс», «Гурлантекс» ва «Малика» акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқарилган турли рангдаги гиламу пойандозлар, ип газламалар, ўрин-кўрпа тўпламлари, трикотаж маҳсулотлари; «Зардўз» акциядорлик жамияти, «Садбарг» ишлаб чиқариш корхонаси, «Шарқ гули» ва «Ироқи» масъулияти чекланган жамиятининг миллий зардўзлик ва ёдгорлик маҳсулотлари, палак, чойшаб, зардувал, кирпеч ва дўппилари; «Маргилон ипак газлама» ва «Наманганатлас» акциядорлик жамиятларининг ипак газламалари; «Оникс» акциядорлик жамиятининг биллур қандиллари ва идишлари; «Хива Карпет», «Шайхонтоҳур текстиль», «Агама», «Совпластитал» ва «Табор» қўшма корхоналарининг гилам ва пойандозлари, устки трикотаж ва пластмасса маҳсулотлари; «Файз» холдинг компаниясининг мебеллари

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» ҲАМКОРЛАРДАН МАМНУН

Иккиламчи металл парчалари ва чиқиндиларини ҳар қаерда учратиш мумкин. Корхоналарда ҳам аллақачон эскирган асбобускуна, ишдан чиққан қишлоқ хўжалик техникаси анча йиғилиб қолган. Бугун уларни тўплаб қайта ишлашга топширган ютқазмайди. "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бундай хомашё харид нархини яна ўн фоизга оширди.

Ушбу маълумотлар қора ва рангли металлар парчалари ҳамда чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг Бекободда бўлиб ўтган йиғилишида келтирилди. "Ўзметкомбинат"ни хомашё билан таъминлашнинг январь-март ойлари якунларига бағишланган мазкур йиғилишда тегишли вазирликлар, идора, уюшма, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёси йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Бекобод металлурглари ўз ҳамкорларидан йилнинг ўтган уч ойи мобайнида режадагидан салкам тўрт ярим минг тонна кўп иккиламчи металл хомашёси қабул қилиб олди. Бу эса мамлакат иқтисодиётида катта аҳамият касб этувчи корхонанинг барқарор ишлашини таъминламоқда. Январь-март ойлари давомида бу ерда 116,9 минг тонна пўлат эритилди, истеъмолчиларга 106,3 минг тонна тайёр металл прокати етказиб берилди. Айни чоғда республика халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун қурилиш арматуралари, кон-металлургия саноатида ишлатиладиган пўлат зўлдирларни четдан келтиришга буткул барҳам берилди. Аксинча бундай маҳсулотларни четга чиқариш, валюта заҳираларини иқтисод қилиш имконияти кенгайди. Корхона январь-март ойларида ҳорижий истеъмолчиларга 8,9 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилишга эришди. Бу кўзда тутилганидан салкам икки баравар кўп демакдир.

"Ўзметкомбинат"ни йилнинг биринчи чорагида иккиламчи металл хомашёси билан таъминлаш борасидаги ҳукумат топшириғи мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида ортиғи билан адо этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона вилоятларида бу иш, айниқса, намунали ташкил этилмоқда. Шу муносабат билан бундай хомашёни йиғиш, қайта ишлашга топшириш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларга, тадбиркорларга миннатдорчилик билдирилди. Шу йилнинг биринчи апрелига қадар юз минг тоннага яқин хомашё заҳира қилиб қўйилди.

Комиссия йиғилишида иккиламчи металл хомашёси йиғиш ва қайта ишлашга топшириш борасидаги умумий аҳвол қониқарли деб топилди. Айни пайтда бу борада суръатни асло бўшаштирмаслик, ишлаб чиқилган жадвалга қатъий риоя этиш тавсия этилди. "Ўзметкомбинат" раҳбариятига эса хомашё харид нархини муттасил такомиллаштириб бориш, ҳақ тўлаш тарифларини ҳар бир ҳудуднинг иккиламчи металл хомашёси йиғиш ва қайта ишлашга топшириш бўйича мавжуд шарт-шароити ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш лозимлиги уқтирилди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

Шарҳловчи минбари

ИРОҚНИ ТИКЛАШ РЕЖАЛАРИ

Жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътибори ҳамон Ироқ воқеаларига қаратилган. Аксарият кузатувчилар АҚШ раҳбарлигидаги халқаро коалициянинг ҳарбий ҳаракатлари охирига етаётганини таъкидламоқда. Шу боис Ироқни тиклаш масалаларига эътибор кучаймоқда. Уруш туфайли вайрон бўлган Ироқ иқтисодиётини тиклаш халқаро ҳамжамият, айниқса БМТнинг саъй-ҳаракатларисиз қийин кечиши маълум.

Шимолий Ирландия пойтахти Белфастда АҚШ президенти Жорж Буш ва Буюк Британия бош вазири Тони Блэрнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда халқаро коалиция амалга ошираётган ҳарбий ҳаракатларнинг бориши билан бирга, Ироқни урушдан кейин тинч ҳаётга қайтариш ҳамда янги ҳукуматни шакллантириш масалалари муҳокама этилди.

Учрашувдан кейин бўлиб ўтган матбуот анжуманида ҳарбий ҳаракатлар ниҳоясига етгач, Ироқнинг янги маъмуриятини ташкил қилишда БМТ муҳим ўрин тутишига алоҳида урғу берилди.

Жорж Буш ушбу масалага тўхталар экан, биз Ироқни бошқариш учун мумкин қадар тезроқ маҳаллий ва ҳориждаги ироқликлардан ташкил топган вақтли ҳукумат тузилиши тарафдоримиз, деди ва бу жараёнда БМТнинг хизмати катта бўлиши керакли-гини таъкидлади.

Оқ уй раҳбари БМТ олдида турган вазифаларга тўхталар экан, ташкилот ироқликларга эркин яшаш учун ёрдам бериши керак, мамлакатда инсон ҳуқуқларини тиклаш, халқни озиқ-овқат ва ичимлик суви билан таъминлашга фаол киришиши зарур, деди.

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр эса, биз Ироқни тиклашда БМТ муҳим ўрин тутишига ишонамиз, деди. Расмий Лондон халқаро ҳамжамиятни Ироқда имкон қадар тезроқ инсон ҳуқуқларини тиклаш, барча ироқликларнинг хоҳиш-иродасини ўзида мужассам этган миллий ҳукуматни яратиш учун биргаликда ишлашга чақирди.

Ироқ иқтисодиётини тиклашга Япония ҳукумати ҳам ёрдам беришга тайёр эканини маълум қилаётир. Бош вазир Жунъитиро Коидзуми халқаро ҳамжамият Ироқнинг янги ҳукуматини ташкил қилиш дастурини тезлатиш лозимлигини таъкидлади.

Япония Вазирлар Маҳкамаси бош котиби Ясуо Фукуда эса халқаро коалициянинг ғалабаси яқиндигини таъкидлаб, урушдан кейинги тикланиш жараёнида БМТ фаол иштирок этишига умид билдирди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлис XI сессияси очилишига 15 кун қолди

ҚОНУНЛАР — ҲАЁТ ПОЙДЕВОРИ

Олий Мажлиснинг навбатдаги — ўн биринчи сессияси бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Қўмиталарда нима гап, қўмита аъзолари икки сессия оралиғида нима ишлар билан машғул бўлдилар? Биз ана шу саволларга жавоб олиш учун Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида бўлдик.

— Қўмитамиз аъзолари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Фармойиши билан тузилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини тайёрлаш ишчи гуруҳи таркибида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этишди, — дейди Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ахтам Турсунов биз билан суҳбатда. — Шунингдек, қўмитамиз Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси қарори билан ташкил этилган Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш масалалари бўйича ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Қўмитамиз қошида тузилган ишчи гуруҳ томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизматни ўташ билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрладик. Бошқа қўмиталар томонидан тайёрланиб, Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари юзасидан ҳам бир қанча таклиф-мулоҳазаларимизни билдирдик.

Қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш ва таҳлил этиш юзасидан ўтган давр мобайнида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси билан ҳамкорликда Наманган вилоятида «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ўрганилди ва натижа қўмитамиз йиғилиши муҳокамасига тайёрланди.

— Кечирасиз, Ахтам ака, гапингизни бўламан. Маълумки, Президентимиз Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида бўлганидек, ўнинчи сессиясида ҳам ҳарбий хизматга доир жуда кўп фикр-мулоҳазаларни билдирдилар. Ушбу фикрлар юзасидан тегишли қарорлар ҳам қабул қилинди. Хўш, ўтган давр мобайнида мана шу янгиланишлар хусусида Сиз бошчилик қилаётган қўмита нималарга эътибор қаратди?

— Дарҳақиқат, Юртбошимиз бундан олдинги сессияларда ҳарбий ва муқобил хизматга доир қонунлар юзасидан қимматли маслаҳатларни бердиларки, оқибатда мазкур таклифлар юзасидан қўмитамиз тегишли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бордилар. Хусусан, Тошкент давлат юридик институти талабалари билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида қабул қилинган қонунларни ўрганишга бағишланган семинар уюштирдик. Республика Маънавият ва Маърифат марказида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонунлар — Қуролли Кучлар ислоҳотидаги янги босқич» мавзуидаги семинарда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Германия техник ҳамкорлик жамияти иштирокидаги ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш марказида ўтказилган семинарда ҳам маърузалар билан чиқишлар қилдик. Бу борада вилоятларда ўтказилаётган семинарларни ҳам алоҳида таъкидлашни истардим. Масалан, Наманган вилоят ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вилоят бошқармалари раҳбарлари иштирокида ўтган йиғилишда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсади ва вазифалари тўғрисида» анжуман ўтказилди. Қолаверса, Наманган вилоятидаги ҳарбий қисмда бўлиб, шахсий таркиби билан учрашув ташкил этдик. Бундай учрашувлар сирасига Хоразм вилоятидаги ҳарбий қисм шахсий таркиби билан учрашувни ҳам киритиш мумкин. Мазкур учрашувларда Қуролли Кучлар тизимидаги ислоҳотлар тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни юзасидан аскарлар билан мулоқотда бўлдик. Шунингдек, Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси хусусида суҳбатлар уюштирилди. Оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Қўмитамизда фуқаролардан келган 12 та оғзаки ва ёзма мурожаат ҳам ўрганиб чиқилди.



Парламент қўмиталарида

Ўз фаолиятимизда Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

«Халқ сўзи» мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ ёзиб олди.

ИЖТИМОИЙ ФИКР МАЙДОНИ

Шу кунларда Олий Мажлиснинг барча қўмита ва комиссияларида иш қизғин. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси кун тартибига киритилган қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёни охирига етмоқда. Шу билан бирга, қўмита ва комиссияларда икки сессия орасида қилинган ишларга якун ясалмоқда.

Хўш, ўнинчи ва ўн биринчи сессия ўртасида Матбуот ва ахборот қўмитасида қандай ишлар амалга оширилди? Мазкур қўмита раиси Ўткир Ҳошимов мухбиримизга бу ҳакда қуйидагиларни гапириб берди:

— Қонунчилик фаолияти билан бирга жойларда қонун ижросини таъмин этиш ва назорат қилиш ҳам Олий Мажлис қўмитаси ҳамда комиссиясининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Хабарингиз бор, қўмитамиз аъзолари йилнинг ҳар чорагида турли вилоятларда бўлиб, оммавий ахборот воситаларига оид қонунларнинг ижросини ўрганиб келадилар. Сўнг депутатлар ишчи гуруҳи томонидан уларнинг аҳволи муҳокама қилинади.

Бу сафар "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуннинг Сирдарё вилоятидаги ижроси масаласи ўрганилади. Қўлимиздаги маълумотномага қараганда, вилоятда қонун ижроси бўйича талай ишлар қилинган. Шу билан бирга, бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам йўқ эмас. Бизни туман газеталарининг аҳволи кўпинча ташвишга солади. Шундай газеталардан айримларининг тиражи 300-400 нусхадан ошмайди. Баъзи туман газеталарининг ҳамон эскича — юқори босма усулда чоп этилаётганини ҳам нормал ҳолат деб бўлмайди. Бу масалада уларнинг муассислари — туман ҳокимликлари ўз нашрларига ёрдам бериши керак. Негаки, туман газетаси ўша ҳудуд ҳаётининг кўзгусидир.

"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонун ижроси ўрганилаётганда яна бир нарсага алоҳида эътибор берамиз. Олий Мажлиснинг ўтган йили бўлган тўққизинчи сессиясида оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид муҳим тушунча ушбу қонунга ўзгартиш сифатида киритилган эди. Президентимизнинг 2003 йил 3 июль Фармонида оммавий ахборот воситалари фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашиш, цензура қилиш қатъиян тақиқланиши алоҳида кўрсатилган эди. Тўққизинчи сессияда ушбу қонунга киритилган ўзгартишда оммавий ахборот воситалари фаолиятини тўхтатиш ёки тугатиш ҳуқуқи фақат суд ва мазкур нашр муассисига берилиши белгилаб қўйилган. Бу бундан буён оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олган ташкилот унинг фаолиятини тўхтатиш ёки тугатишга ҳақли эмас, деган маънони англатади.

Аввал бундай ҳуқуқ мазкур ташкилотда ҳам бор эди. Бу ўзгариш матбуотни демократлаштириш, сўз эркинлигини таъминлашда муҳим омил бўлади. Назорат фаолиятида масаланинг мана шу жиҳатига алоҳида эътибор берилади. Яъни у ёки бу мансабдор шахс оммавий ахборот воситаси фаолиятига аралашаётгани йўқми, журналистларга тазйиқ ўтказилмаяптими деган тушунча алоҳида савол тарзида қўйилади.

Биласизки, сессия оралиғида Олий Мажлис қўмита ва комиссияларида қонунчилик фаолияти билан биргаликда семинарлар, илмий-амалий конференциялар мунтазам ўтказиб турилади. Қўмитамизда ўтказилган "Маҳаллам менинг — оилам менинг" мавзусидаги семинар "Обод маҳалла йили"да фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари, маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари қандай фаолият кўрсатаётгани, бу соҳада қилинган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар газета , радио, телевидениеда қандай ёритилаётгани атрофлича муҳокама қилинди.

"Маҳалла" жамғармаси, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, "Оила" илмий-амалий маркази мутахассислари, журналист ва депутатлар бу соҳадаги янги режаларни белгилаб олди.

Олий Мажлиснинг мазкур қўмитаси фаолияти ҳақида гап кетганда, яна бир нарсани таъкидлаш керак. Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясида сессия кун тартибига киритилган ҳар бир қонуннинг ўзбек тилидаги матни кенг ва атрофлича муҳокама қилинади. Бунинг боиси қонун халқаро андозаларга мос ва айни пайтда ҳамма учун тушунарли бўлиши керак. Бу эса Олий Мажлисда хизмат қиладиган ёки фаолияти нуқтаи назаридан қонун тили билан ишлайдиган бошқа депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди. Матн устида ишлашда фаоллик кўрсатаётган Иброҳим Ғафуров, Акмал Саидов, Машкура Сафоева, Миракмал Миролимов ва бошқа депутатлар жонкуярлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Б. ЭГАМҚУЛОВ ёзиб олди.

СОҲИБҚИРОН САБОҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳақиқатан ҳам, Шаҳрисабзда «Амир Темур — ўзбек давлатчилигининг асосчиси» мавзуида илмий-амалий анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам шу. Шаҳрисабздаги Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейида мактаб ўқувчилари учун очиқ дарслар ўтказилаётганининг сабаби ҳам шу. «Амир Темур — рассомлар нигоҳида» тасвирий санъат асарлари кўргазмасининг ташкил этилиши ҳам шу билан изоҳланади. Зокир Содиқов номли Шаҳрисабз халқ театри ижодий жамоасининг «Мозий садоси» бадиий-мусиқий, театрлаштирилган дастури ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Бугун Соҳибқирон Амир Темур камолга етган Шаҳрисабз узоқ-яқиндан келган меҳмонлар билан гавжум бўлади. Вилоят, шаҳар, туманлардан келган меҳмонлар улуғ зот ҳайкали пойини гулларга буркайдилар. Марказий ўйингоҳда катта кураш ва спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтади.

Донолар айтганидек, Соҳибқирон Амир Темур Шаҳрисабзни оламга машҳур қилди, ўзи эса миллат ва Ватан тимсолига айланди. Шаҳрисабз, Қашқадарё орадан олти асрдан зиёдроқ вақт ўтиб, яна шундай табаррук ҳолнинг гувоҳи бўлдилар.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Теннис

Халқаро турнир бошланди

Кеча Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт-соғломлаштириш мажмуида навбатдаги 5-«Фьючерс» турнири мусобақаларига старт берилди. Турнирда Германия, Таиланд, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон сингари 14 мамлакатнинг 46 нафар спортчиси иштирок этмоқда. Мукофот жамғармаси 10.000 АҚШ доллари бўлган бу турнирда энг иқтидорли, ўз мамлакатларининг кўзга кўринган ракетка усталари ғолиблик учун кортга чиқадилар.

8-13 апрель кунлари давом этадиган бу нуфузли мусобақалар сирдарёлик кўплаб ҳаваскор теннисчилар учун маҳорат мактаби вазифасини бажариши шубҳасиз.

Мусобақанинг биринчи куни икки ўзбекистонлик спортчи — Дмитрий Мазур ва Сарвар Икромовлар ўзаро куч синаштирилар.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Уйчи туманидаги ширкат-хўжаликлари иссиқхоналарида аҳоли эҳтиёжи учун зарур помидор, қалампир, карам ва бошқа турдаги кўчатлар етиштирилмоқда. Айниқса, Абдували Мўминов номли ширкат хўжалигидаги Садриддин Насриддинов етакчилик қилаётган 1-бош пудрат аъзолари миришкорликда туманда ҳурмат қозонганлардан саналади. У бошчилик қилаётган жамоа айни пайтда 300 мингдан зиёд турли кўчатларни парваришламоқда.

СУРАТДА: ***1-бош пудрат аъзоси Боқижон Дадахонов иш устида.***

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

КАНАДА ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ҲАРАКАТИНИ ТЕРРОРИСТИК ГУРУҲЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТДИ

Апрель ойининг бошида Канада Бош прокурори мамлакат ҳукумати томонидан тақиқланган террористик ташкилотлар рўйхатига яна еттита гуруҳ киритилганини эълон қилди. Улар орасида "Ўзбекистон ислом ҳаракати" (ЎИҲ) деб аталмиш гуруҳ, Жануби-Шарқий Осиёда фаолият кўрсатаётган "Жамоа исломия", "Жафокаш Ал-Ақсо бригадалари" ва бошқа гуруҳлар бор.

Чунончи, Канада ҳудудида фаолияти тақиқланган террористик ташкилотларнинг сони йигирма еттитага етди. Канада ҳукумати террористик ва экстремистик фаолият билан шуғулланувчи ёки бу каби фаолиятга кўмаклашувчи ташкилотлар рўйхатини 2001 йилнинг 18 декабрида қабул қилинган терроризмга қарши кураш тўғрисидаги Қонунга мувофиқ тузади ва уни икки йилда бир марта қайта кўриб чиқади.

Таъкидлаш жоизки, 2000 йилнинг август ойида АҚШ Давлат департаменти ЎИҲни энг хавфли хорижий террористик ташкилотлар рўйхатига киритган эди. Ўз навбатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам ушбу гуруҳни саксонта тақиқланган террористик ташкилот рўйхатига киритганди.

2002 йилнинг октябрь ойида Англия парламентида халқаро терроризм ва унга қарши кураш муаммолари муҳокама қилинган эди. Ўшанда Британия парламенти ЎИҲни "Жамоа исломия" (Индонезия), "Абу Сайёф" (Филиппин) ва "Асбат ал-Ансор" (Ливан) гуруҳлари билан бир қаторда террористик ташкилотлар рўйхатига киритиб, Бирлашган Қироллик ҳудудида унинг фаолиятини тақиқлаган эди.

"Жаҳон" АА.

Ички Бозор

ўз маҳсулотларимиз ҳисобига

(Давоми. Боши 1-бетда).

сизни ҳам ошуфта этадики, улардан бирортасини харид қилганингизни ўзингиз сезмай қоласиз.

— Жамоамиз шу йилнинг уч ойи ичида республикамизда фаолият юритаётган корхоналардан жами 1,5 миллиард сўмлик харидоргир маҳсулотлар олиб келиш ва сотиш юзасидан 187 та шартнома тузди, — дея сўзида давом этади Ҳабибулло Раҳматович. — Улар орасида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясига қарашли 21 та корхона, «Ўзбек ипаги» уюшмасининг 4 та, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг 5 та, «Маҳаллий саноат» уюшмасининг 10 та корхонаси, «Файз» холдинг компанияси, 32 та қўшма корхона ва ўнлаб хусусий фирмалар бор. Бу корхоналарнинг товар ва маҳсулотларини мижозларга янада яқиндан таништириш мақсадида шу йил 7 апрель куни супермаркетимизда кўргазма-савдо ташкил этдик. 13 апрелгача давом этадиган мазкур тадбир ўз навбатида биз билан шартнома тузиш истагида бўлган ишлаб чиқарувчилар сонининг янада кўпайишига, бинобарин, универмагдаги товарлар ассортиментининг кенгайишига, пештахталаримизни эса сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан янада тўлдиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, биз Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги «Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тидбирлар тўғрисида»ги 62-сонли қарорига мувофиқ, супермаркет негизида ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан улгуржи савдони амалга оширувчи базани ҳам очишни мўлжаллаб турибмиз. Чунки омборларимиз бор, айланма маблағимиз ҳам етарли. Бу база жамоаси эса тегишли минтақада истеъмол бозори коньюктурасини ўрганиш, харид талаби хусусияти ва ҳудуднинг муайян ассортиментдаги товарларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда уларнинг турлари бўйича саноат корхоналарига тавсиялар бериш, ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузиш, товарларни мавжуд омборларга ўз вақтида ташиб келтириш, чакана савдо шохобчаларини товарлар билан бир маромда таъминлаш учун уларнинг зарур миқдордаги заҳираларини яратиш каби вазифаларни бажаради.

Ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштиришдан кўзланган мақсад ҳам шудир. Бундай ўзаро ҳамкорлик эса қандай самара беришига «Тошкент универмаги» фаолияти мисолида гувоҳ бўлдингиз.

Икром ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ноғора қоқишдан аввал...

Луқма

"Моҳият" газетасида журналист Алишер Назарнинг ёзувчи Нурали Қобул билан қилган суҳбатини ўқиб, ушбу сатрларни ёзишга тутиндим. Газета мухбирининг саволларига берилган жавоблар, бир қарашда миллат дарди, ҳалоллик, поклик, эзгуликни ўзига ҳаётий шиор қилиб олган, ҳамиша ҳақиқатга суянадиган, виждони уйғоқ, фидойи бир ёзувчининг куюнчаклик билан айтган мулоҳазаларидай бўлиб туюлади. Аммо, газетадан бош кўтариб кечаяқинда бўлиб ўтган, ҳали ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилмаган айрим воқеаларни эсласак, кўз ўнгимизда бутунлай бошқача манзара пайдо бўлади-ю, ҳайратдан ёқа ушлаганимизни билмай қоламиз.

Муҳтарам ёзувчимиз тўкиб солаётган "дард"ларга жиддий бир қулоқ тутайлик-чи.

"Зиёлиларнинг иймон ва виждонида ҳақиқий ватаний ахлоқ шаклланмас экан, ҳеч қачон миллатимизнинг бағри маънан бутун бўлмайди", — дейди ёзувчи. Бу айни муддао гап! Ижодкор зиёли, токи у ўзини "миллат ойдини, миллат мунаввари" деб атаётган экан, кам деганда эл қатори виждонли, ахлоқли бўлиши керак. Соддароқ қилиб айтганда, бундай мунаввариинг сўзи ва амаллари бир-бирига ҳамоҳанг, ҳар бир иши ён-атрофидагилар учун ибратли, намунали бўлмоғи даркор. Бундай одамлар зиёли сифатида зиммасига юкланган оғир, аммо шарафли масъулиятни ҳеч қачон унутмаслиги, кибру ҳавога, манманликка берилмаслиги лозим бўлади. Бордию у, ким бўлмасин, қачону қаерда бўлмасин, бу йўлдан бормаса, ёзувчилик шаънига, зиёли деган улуғ номга доғ туширса, фирибгарлик қилиб бировларнинг ҳақини ўзлаштирса, ўзи бош бўлиб турган меҳнат жамоасига катта миқдорда моддий зиён етказса, шахсий манфаат йўлида унча-мунча нарсадан ҳазар қилмаса, унинг ҳақиқат, иймон, поклик тўғрисидаги ёзғиришлари, юмшоқ қилиб айтганда, одамнинг ғашига тегишдан бошқага ярамайди.

Нурали Қобулнинг "Бизда шахс ва санъаткорлар бармоқ билан санарли" деган гапи халқимизнинг қўплаб фидойи фарзандларига нисбатан беписандликдан бошқа нарса эмас. Беруниийнинг Балхда, Ибн Синонинг Ҳамадонда қўним топганига писанда қилаётганида ҳам мантиқ ва самимият йўқ. Мухбирнинг "кейинги пайтларда матбуотда кам кўринмоқдасиз..." деган саволига "Чин юракдан, очиққўнгил, адолат тарозисининг посангисини бузмаган ҳолда бирор нарса ёзиб кўринишга руҳ ва виждон ороми етишмайди. Адабиёт, санъат, матбуотдаги иқлим кўнгилдагидай эмас" деган гапларига келсак, аввалига адибимиз "Чўлпон" нашриётига раҳбарлик қилган кезлари қилган даста-даста хатоларидан, жиноятидан хижолат тортиб, кеч бўлса-да, тазарру қилишга тутунибдилар-да, ўз ўқувчилари олдида кўринишга виждонлари озроқ бўлса-да қийналмоқда экан-да, деб ўйладим. Чунки нашриётдаги кўпгина ажабтовур ишлар бизнинг шундоққина кўз ўнгимизда содир бўлганда. Афсуски, янглишган эканман. Билмаганлар билиб қўйишларини истар эдим. Нурали Қобул жаноблари мансабдор шахс сифатида ўз ваколатини суиъистемол қилиб, давлат манфаатларига катта миқдорда зарар етказгани, фирибгарлик билан ўзганинг катта миқдордаги мулкини эгаллагани учун Ўзбекистон ЖКнинг 207-моддаси, 1-қисми, 59-моддаси билан айбланиб, унга 3 йиллик ахлоқ тузатиш ишлари тайинланган, 20 фоиз иш ҳақи давлат даромадига ўтказилиши белгиланган. "Моҳият"чилар салгина ҳафсала қилиб "Адолат" газетасининг 1997 йил 18 февраль сонида эълон қилинган "Ун операцияси" фельетонини, 22 февраль сонида босилган "Она сутига хиёнат" сарлавҳали мақолани ўқиб чиқсалар, анча-мунча ҳақиқатни билиб олган бўлардилар.

— Адабиётга тақдирини боғлаган одам жим тура олмайди, — дейди Нурали Қобул. Бу ҳам тўғри. Аммо тақдирини адабиёт билан боғлаган одамлар қонунни бузиб, унфурушлик билан шуғулланмайди, вагон-вагон маҳсулотни куппа-кундузи "туя" қилиб юбормайди, кимларгадир амал ваъда қилиб, пулини шилиб лақиллатмайди.

Адабиёт, санъат, матбуотдаги муҳитга келсак, уни мана шундай нопокликлар, ҳалол билан ҳаромни фарқламаслик булғайди, бундай хом-хатала дийдиёлар эса матбуотимиз номига доғ туширади.

Н.Қобул иқтибос келтирган Цицерон ҳикматларини билиб қўйган яхши, аммо халқимизнинг жуда ҳам оддий, жуда ҳам зарур ўгитлари ҳам борки, энг аввало, уларни билишимиз ва эсда тутишимиз лозим: "Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ..."

Т. ТУРҒУНОВ.

Тошкент архитектура-қурилиш институтида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратиш ва нашр эттириш масалаларига бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди.

Бугунги кун дарсликлари

Бу масала нечоғлик даражада долзарблигини қуйидаги далиллар ҳам яққол аён этади: ўтказилган экспертизалар натижасида олий ўқув юртлари кутубхоналарида мавжуд дарсликларнинг 13 фоизи яроқсиз деб топилган. 16 фоиз дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яқин 3 йил ичида янгилаш зарур. Шунингдек, вақтинча фойдаланишга тавсия этилган дарсликлар ҳам озмунча эмас. Хуллас, дарсликлар соҳасидаги мана шундай аҳвол атрофлича таҳлил этилиб, олий таълим тизимида фойдаланиш учун 3400 номдаги дарсликларнинг янги авлодини яратиш бўйича жорий йилга ва узоқ муддатга мўлжалланган режа ишлаб чиқилди. Шу мақсадда ҳар йили "Энг яхши дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи" деган ном остидаги танловлар мунтазам эълон қилинмоқда. Танлов ғолиби бўлган муаллифлар йирик пул мукофотлари ва дипломлар билан тақдирланмоқда. 2001 йилдан бошлаб танлов ғолибларига илмий унвонлар ва илмий даражалар ҳам берила бошланди.

Шу билан бирга, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш бўйича халқаро миқёсдаги тажрибаларга ҳам дадил мурожаат қилинмоқда. Масалан, ҳозирги таълим тизимига электрон дарсликларни жорий этиш тажрибаси тобора катта эътибор қозонаяпти. Компьютерларда сақланадиган электрон дарсликлардан эскирган маълумотларни олиб ташлаш ва янгиларини тез киритиш қулайлиги бор. Бунинг устига, бундай дарсликлардан узоқ масофада туриб бемалол фойдаланиш мумкин. Ҳозирги кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги республикада ана шундай дарсликлардан кенг фойдаланиш масаласида ташаббускор бўлмоқда. Айни пайтда 11 мингдан кўпроқ энг яхши маъруза матнларининг электрон ёзувлари мавжуд.

Матбуот анжуманида дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратишга муаллифларни жалб этиш мақсадида кўрилаётган амалий тадбирлар, уюштирилаётган танловлар, дарсликлар яратишдаги ижодий ишни рағбатлантиришнинг янги тизимлари ҳақида ҳам фикрлашилди.

М. САФАРОВ.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги давлат ташкилотлари, корпорациялар, банклар, қўшма ва хусусий корхоналар раҳбарлари диққатига!

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

2002/2003 ўқув йилида турли мутахассисликлар ва йўналишлар бўйича битирувчи магистрлар ва бакалаврларни йўлланмалар асосида ишга тақсим қилишга киришмоқда. Университетимизда билим олаётган магистр ва бакалаврлар кенг қамровли назарий билимлардан ташқари, замонавий инновацион технологиялар билан кенг таниш бўлиб, чуқур амалий тажрибага ҳам эгадирлар. Улар халқ хўжалигининг соҳа ва тармоқларида ишлаш малакаси ҳамда тажрибасига эга бўлган ҳар томонлама етук, замонавий талабларга тўлиқ жавоб берувчи юқори даражадаги мутахассислардир.

Университетимизни битирган магистр ва бакалаврларга эҳтиёжи мавжуд бўлган давлат ташкилотлари, корпорациялар, банклар, қўшма ва хусусий корхоналар талабнома ва сўров хати билан бизга мурожаат этишлари мумкин.

Талабномангизда сиз раҳбарлик қилаётган ташкилот ва муассасанинг мутахассисга қандай шароит ва имтиёзлар яратиб бера олишлиги ҳақидаги маълумотларни ҳамда қўшимча таклифларни 2003 йилнинг 20 апрелига қадар тақдим этишингизни сўраймиз.

Сизнинг эътиборингизга мутахассислар бўйича статистик маълумотларни илова қиламиз.

Манзилимиз: 700174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. Маълумот учун телефонлар: 114-52-30, 118-97-23, 144-55-92, факс: 144-73-12.

ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР

№	Таълим йўналишлари, мутахассисликлар	Жами битирувчилар сони	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Наманган	Навоий	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент ш.
1.	Математика	49	3	2	2	2	-	-	1	1	-	8	1	1	10	18
2.	Амалий математика	49	2	1	2	-	-	-	-	-	-	6	1	3	4	30
3.	Механика	12	-	1	-	-	-	-	-	-	1	2	1	2	-	5
4.	Физика	51	2	1	1	-	-	1	3	1	1	8	1	2	7	23
5.	Кимё	48	1	1	3	-	4	5	4	-	2	9	1	2	8	8
6.	Биология	63	1	1	1	2	7	3	2	2	1	11	2	-	5	25
7.	Тупроқшунослик	14	-	-	1	-	1	-	-	-	-	2	-	1	9	-
8.	Экология	28	-	-	3	-	1	-	-	-	-	2	1	-	7	14
9.	Гидрометеорология	10	2	1	-	-	-	3	2	1	-	-	-	-	-	1
10.	География	26	-	1	-	2	-	1	1	2	-	7	-	-	-	12
11.	Геология	52	4	-	2	2	2	-	3	1	-	6	-	-	12	20
12.	Астрономия	4	-	-	-	3	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-
13.	Ўзбек филологияси	45	-	2	6	3	-	2	2	2	-	2	-	1	10	15
14.	Рус филологияси	27	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	-	-	-	25
15.	Роман-герман филологияси															
	Инглиз	108	1	-	2	4	-	2	1	1	1	9	1	1	1	84
	Немис	14	-	-	-	-	-	2	3	-	-	1	-	-	2	6
	Француз	14	-	1	1	1	-	-	1	1	-	1	-	-	-	8
16.	Таржимон	26	-	-	1	-	-	2	1	1	-	5	-	1	1	14
17.	Фалсафа	59	-	-	3	1	1	3	3	1	2	2	1	1	6	35
18.	ЖФМТ	26	-	6	-	-	-	-	-	2	3	1	-	3	4	7
19.	Журналистика	91	3	1	4	4	3	2	6	3	3	8	5	3	14	32
20.	Тарих	115	1	1	12	6	3	4	6	-	5	9	2	3	18	45
21.	Сиёсатшунослик	41	-	1	2	4	1	4	2	-	-	3	1	1	4	18
22.	Психология	48	-	2	1	-	1	2	1	1	2	2	-	-	1	35
23.	Социология	15	-	1	-	-	2	-	-	-	-	2	-	-	5	5
24.	Ҳуқуқшунослик	87	-	4	6	1	1	2	1	1	-	13	3	1	5	49
25.	Иқтисодиёт	68	-	-	1	3	4	-	2	-	-	9	4	2	2	41
26.	Менежмент	43	-	-	-	-	2	1	-	-	-	9	1	-	4	26
27.	Геодезия картография кадастр	30	-	3	2	-	2	1	1	-	-	7	-	1	4	9
28.	Минтақавий иқтисод	17	-	-	-	2	-	-	-	-	-	2	-	-	1	12
	ЖАМИ	**1280**	**20**	**31**	**56**	**40**	**35**	**40**	**46**	**21**	**21**	**148**	**26**	**29**	**145**	**622**

МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА БИТИРУВЧИ МАГИСТРЛАР

№	Мутахассислик шифри ва мутахассислик номи	Жами битирувчилар сони	Шу жумладан вилоятлар бўйича														
			Фарғона	Андижон	Наманган	Тошкент	Тошкент шаҳри	Сирдарё	Жиззах	Бухоро	Самарқанд	Навоий	Қашқадарё	Сурхондарё	Хоразм	Қорақалпоғистон Республикаси	Бошқа республикалар
1.	Адабиётшунослик	9		3		2							3	1			
2.	Лингвистика (ўзбек тили)	7	1	1		1	2						2				
3.	Адабий манбашунослик ва матншунослик	3		1									2				
4.	Халқаро журналистика	16	1	1	2	3	6	1		1	1						
5.	Телевидение ва радиоэшиттириш	12		1	1	1	3	1		1	2	1				1	
6.	Ҳуқуқшунос-педагог	49	3	4	4	4	24	3	1	3			2	1			
7.	Сиёсатшунослик назарияси ва тарихи	10				2	4		1	1	1	1					
8.	Тадбиқий сиёсатшунослик	9					6				1	1	1				
9.	Умумий психология	17	2		1	1	12						1				
10.	Социология назарияси, методологияси	9			1		6		1	1							
11.	Фалсафа тарихи	3		1		2											
12.	Ижтимоий фалсафа	5			1		2	1					1				
13.	Замонавий ғарб фалсафаси ва тарихи	2					1	1									
14.	Фалсафа ва фанлар услубиёти	3		1			1			1							
15.	Эстетика	1											1				
16.	Ўзбекистон тарихи	15	1		1	3	3		1				3	3			
17.	Жаҳон тарихи	10				1	8	1									
18.	Тарихшунослик, манбашунослик	10		2	3		1			2					1	1	
19.	Археология	3						1					1	1			
20.	Этнография	6		1			1	1	1			2					
21.	Лингвистика (рус тили)	1					1										
22.	Лингвистика (инглиз тили)	13					9	1					1	2			
23.	Лингвистика (немис тили)	2				1	1										
24.	Лингвистика (француз тили)	4					3	1									
25.	Рус адабиёти	6				1	3						1	1			
26.	Таржима назарияси ва амалиёти	13				1	10	1					1				
27.	Ўсимликлар физиологияси	3	1	1			1										
28.	Одам ва хайвонлар физиологияси	5					5										
29.	Генетика	5					3						1	1			
30.	Биофизика	3					2							1			
31.	Биокимё	3				1	1									1	
32.	Ихтиология	5				1	2				1		1				
33.	Биология	3				1	1						1				
34.	Тупроқшунослик	2		1									1				
35.	Агрокимё	5				2	2			1							
36.	Тупроқ физикаси ва мелиорацияси	4				1		1					2				
37.	Экология	10	3		1		4						1	1			
38.	Биоэкология	5					1		1	2			1				
39.	Композицион, кукунли материаллар ва қопламалар	2												1	1		
40.	Полимерлар физикаси	2			1									1			
41.	Амалий математика ва информацион технологиялар	6					3	1						1	1		
42.	Математик физика	2				1									1		
43.	Ҳисоблаш математика	8		1	1		3						3				
44.	Назарий механика	2				1	1										
45.	Деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси	1									1						
46.	Математик таҳлил	4					1		1		1					1	
47.	Геометрия ва топология	2				1							1				
48.	Дифференциал тенгламалар	3					1					1			1		
49.	Математик мантиқ алгебра ва сонлар назарияси	3			1		1								1		
50.	Эҳтимоллик назарияси ва математик статистика	2											2				
51.	Аналитик кимё	4					2							1		1	
52.	Органик кимё	2			1										1		
53.	Юқори молекулали бирикмалар кимёси	4			1		1					2					
54.	Биорганик кимё, табиий бирикмалар кимёси	4					2		1	1							
55.	Нефть ва табиий газ кимёси	3				1			1					1			
56.	Геофизика	2		1		1											
57.	Геокимё	4				2	2										
58.	Гидрогеология	2	1					1									
59.	Геология	3					3										
60.	Назарий физика	3					1									2	
61.	Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси	2				1	1										
62.	Оптика, магнитооптика ва молекуляр оптика	2								1		1					
63.	Лазер физикаси	1				1											
64.	Элементар заррачалар ва ядро физикаси	2					1							1			
65.	Радиофизика	1									1						
66.	Ядро технологиялари	1													1		
67.	Физикавий электроника	2		1									1				
68.	Гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш	2					1							1			
69.	Физика фанини ўқитиш услубиёти	2	1				1										
70.	Қуёш тизими физикаси ва гелиофизика	1					1										
71.	Метеорология	2					2										
72.	Агрометеорология	2											1		1		
73.	Иқтисод назарияси	18					13							5			
74.	Минтақавий иқтисод	8	1			1	2				1		2		1		
75.	Менежмент	24		1	4	3	15		1								
76.	Иқтисодий ва ижтимоий география	8		1		2	3		1	1							
77.	Гидрокимё	6				2	1				1	2					
78.	Картография	5	1			2	1							1			
	ЖАМИ :	**448**	**16**	**23**	**24**	**48**	**192**	**16**	**11**	**16**	**11**	**11**	**38**	**25**	**10**	**7**	**-**

Оилавий спортчилар баҳси

Фарғона шаҳрининг «Кимёгар» спорт саройида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» шиори остида бўлиб ўтаётган спартакиаданинг вилоят босқичи мусобақалари бўлди. «Обод маҳалла» дастурига киритилган мазкур мусобақалар болалар спортини ривожлантириш, ҳамжиҳатлик байрамига айланиб кетди.

Вилоятнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни эгаллаган оилалар спортнинг баскетбол, қўл кучини синаш, арқон тортиш, узунликка сакраш, эстафеталик югуриш турлари бўйича куч синашдилар. Мусобақада Охунбобоев туманидан ташриф буюрган Орзибоевлар оиласига теңг келадиган кичик жамоа топилмади. Иккинчи ўрин бағдодлик Йигиталиевлар, учинчи ўрин эса тошлоқлик Мирзалиевлар оиласига насиб этди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ва бир сидра спорт кийимлари билан тақдирландилар.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мактабда чиниқиш мажмуаси

Мактаб директори ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси туман ҳокими қабулидан хурсанд қайтишди. Келишди-ю, маҳалладошларини, ўқитувчиларни тўплаб, йиллар мобайнидаги эътиборсизликдан ҳаробага айланаётган бинонинг мактаб ихтиёрига ўтказилганлигини айтишди.

Шу куннинг ўзида ҳашар бошланди. Кўпдан буён ҳеч ким қадам босмай қўйган хўжалик клуби тўлиқ қайта таъмирга муҳтож эди. Ташландиқ клуб ўрнида замонавий спорт мажмуаси барпо этилса айни муддао бўларди. Чунки бино ҳажмидан кўнгил ғулади: узунлиги 26 метр, эни 11 метр. Унинг бир қисми 2 қават. Спорт залига мўлжалланган бинонинг баландлиги 6 метр.

— Фойдаланилмай ётган бу бино қишлоқ аҳлининг ташаббуси туфайли ажойиб спорт мажмуасига айлантирилди, — дейди туман ҳокими Жамшид Ашуров. — Катта залнинг ўзида волейбол, баскетбол, қўл тўпи, бадиий гимнастика, кураш мусобақаларини ўтказиш имконияти бор. Иккинчи қаватда эса стол тенниси ва шаҳмат-шашка ўйинлари учун алоҳида хоналар қилинди.

Тайлоқ туманининг Найман қишлоғидаги ушбу спорт мажмуаси қишлоқдаги 1-мактаб ўқувчилари учун ҳақиқий совға бўлди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ

Биз бугун афсонавий аждодимиз, етти иқлим ҳукмдори деб ном олган музаффар ўзбек, буюк саркарда, соҳибқирон Амир Темурнинг номини буюк эҳтиром билан тилга оламиз. Негаки, Амир Темур шону шавкати замину замонларга таралган башарият фарзандидир. У, энг аввало, умуминсоний тарихий шахс. Буюк шажарамизнинг ифтихори, давлатимиз ва давлатчилигимизнинг асосчисидир. Бироқ ўзбек кишисининг онгида бу улуғ зот абадул-абад Ватан ва Озодлик рамзи бўлиб қолган.

Зотан, у ўзбек миллатини мазлумлик, хору зорлик, пароканда-лик ботқоғидан халос этиб, шу қадар юксакларга кўтардики, пировардида тўла ҳуқуқ билан уни «миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи» деб атай олди. Ёлғиз ўзининг ҳаёти давомида — тарихан бир сониялик муддатда — ўз руҳияти қудрати, ўз тафаккури шиддати билан, ўзининг таъбирича, «кенгаш, тадбир ва машварат» билан, иложи қолмаганда, замонасининг зайлига кўра, қўлда қилич билан «Иртишдан Ганггагача, Ғўби саҳросидан Мармар денгизигача», «Волга бўйларидан қудратли Нил соҳилларигача, Олтин Ўрдадан Ҳижозгача» ястанган қудратли давлатни барпо этди. Бизнинг бугунги Ўзбекистонни ташкил этган Амударё ва Сирдарё оралиғидаги замин эса, ўша давр кишиларининг таърифи бўйича, чинакам жаннатга айлантирилган эди.

1996 йили Юртбошимиз Ислом Каримов Самарқанд шаҳрида Соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилиш тантаналарида шундай деган эди: «XIII асрнинг биринчи ярмида Самарқанд босқинчилар зулми туфайли харобаликка юз тутган, қалъалар, масжидлар, мадрасалар қаровсиз қолган эди. Ўша замонда юртимизга келган бир араб сайёҳининг шоҳидлик беришича, Самарқанд шундай ҳувиллаб ётардики, аввалги аҳолисининг чорак қисми қолган, меъморий обидалар вайронага айланган, ариқлар кўмилиб кетган, шаҳар сувсиз, боғлар қуриб битган эди.

Соҳибқирон бобомиз ана шундай мураккаб бир даврда тахт тепасига келди.

У Самарқанднинг гуллаб-яшнаши учун бутун умрини сарф этди».

Соҳибқирон Амир Темур туфайли Самарқанд «Ер юзининг сайқали»га айланди. Алп Эр Тўнга пойтахт этган Афросиёб — Александр Македонский, Қутайба ибн Муслим, Чингизхонлар мутлақ ер юзидан йўқотиб ташламоқчи бўлган Самарқанд — самандардек қайтадан яна ўзини тиклайверди. Лекин у Амир Темур ва унинг невараси, буюк мунажжим Улуғбек ва бизнинг мустақиллигимиз давридагидек ҳеч қачон жамол очмаган эди. Ҳар қандай чет эллик сайёҳ Гўри Амир, Бибихоним, Шоҳизинда мақбаралари, Регистондаги мадрасалар қошида ҳайратга тушган бўлса, мустақиллик йилларида бунёд этилган Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий мақбаралари қошида ҳам ана шундай ҳолатни бошдан кечириши тайин. Соҳибқирон Амир Темур ҳам юртимизнинг ҳар бир буржида улкан қурилишларни амалга оширган бўлса, масжиду мадрасалар, буюк зотларга мақбаралар бунёд этган бўлса, бугунги кунда пойтахтни-ку қўя туринг, вилоят марказлари, туманлар, қишлоқлардаги бунёдкорлик ишларини кўриб кўзингиз қувнайди. Бундай пайтда Амир Темурнинг «Кимки бизнинг шон-шуҳратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин» — деган сўзлари ёдга тушади. Шундай замонларни бошдан кечирдикки, «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим» деган буюк зот ҳақида саводсиз, жоҳил, қонхўр, босқинчи деган сўзларни бошни эгиб эшитиб келдик. Соҳибқиронни саводсиз деган зотлар наҳотки ҳазрат Алишер Навоийнинг у ҳақдаги «бир байт ўқиғони, минг яхши байт айтқонча бор» деган сўзларини ўқимаган бўлса?! Ўқиган, билган, лекин уни тан олиш — унинг олдида, Соҳибқирон мансуб эл олдида ўзларини паст олиш бўларди-да. Наҳотки, шунча одамларни тўплаган, ҳунармандларни ишлатган, кўплаб боғу роғлар яратган инсонни саводсиз, жоҳил деб бўлса...

Амир Темур озодликни туғ, адолатни шиор этган инсон. Ҳатто видо нафасида ҳам авлодларга у «Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз ўлсин», дея тайинлаган эди. Унинг бутун ҳаёти, сиёсати, мафкураси озодлик ва ватанпарварлик ғоялари билан суғорилгандир. Сиёсатда Амир Темур куч ишлатиш тарафдори эмас эди. «Сиёсат билан мақсадга эришиш мумкин бўлган жойда қурол билан ҳаракат қилиш нотўғридир», — деган эди у. Лекин, юртини ташқи зулм ва тажовузлардан тамомила озод қилганидан кейин, хавфсизликни таъмин этиш учун умрининг 45 йилини от устида, жангу жадалларда кечирди. Шу боис инсонлар тасаввурида Амир Темур сиймоси жаҳонгир лашкарбоши сифатида мангу ўрнашиб қолди. Унинг жаҳон миқёсида қозонган обрў-эътибори ҳам асосан ҳарбий салоҳияти, ҳарбий соҳадаги зафарлари, марказлашган буюк давлатни, оламшумул салтанатни барпо этганлиги шарофатидандир.

Бироқ ғалаба ёки мағлубият, таваллуд ёки ажал — инсон ҳаётининг сиртқи аломатлари, холос. Ҳаётнинг асл моҳияти маънавий жабҳаларда ётади, маънавий мазмунларда очилади. Фақат мустаҳкам маънавият қонун-қоидаларига асосланган сиёсат порлоқ истиқболга эгадир. Амир Темур салтанатининг мисли кўрилмаган равнақи, жаҳоншумул обрўси негизини бу давлатда қарор топган ва бутун дунёда сўзсиз эътироф этилган юксак маънавият ташкил этади.

Улуғ шоиримиз Алишер Навоий Соҳибқирон Амир Темурни «салотин гавҳарининг уммони» деб атаган эди. Қатъий ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Амир Темур нафақат султонлар ичра султон, балки инсонлар аро ҳам энг комил ва фозил инсон бўлган. У яратган ва васият қилган мукаммал инсон қомуси — «Темур тузуклари» фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу нодир асар орқали Соҳибқирон шахсиятининг шукуҳи, даҳоси, жозибаси асрлар оша ҳам нур ва ҳарорат таратиб инсониятни баҳраманд этиб келмоқда.

Не бахтки, бугун биз Мустақиллик берган ғурур билан, ёруғ юз билан, озод ворислар номидан: «Биз ҳамиша аждодларимиз ишига содиқмиз, мамлакатимиз ишончли қўлларда» — дея дадил айта оламиз.

Дарҳақиқат, «От изини той босар», деган нақл бежиз айтилмаган. Орадан асрлар ўтиб ўзбек тарихида ўхшаш вазият яна юзага келди. Биз ҳам қарийб юз эллик йиллик асорат балосидан қутулиб озодликка эришдик. Биз ҳам бир замонлар буюк жаҳонгир шараф билан ечган масалалар олдида турибмиз. Фалак гардиши билан бугун яна давлат мустақиллигини муҳофаза қилиш, миллат мавқеини тиклаш, юртни обод, турмушни фаровон этиш вазифалари кун тартибига чиқди. Ўртадаги фарқ — уларни адо этиш учун биз қилич кўтармаймиз. Негаки, давр бошқа, ҳаёт қонуниятлари ўзгача. Бу гал биз жаҳонни ўз замонамиз кўтарган қуроллар — истеъдод, савия, малака билан забт этишимиз керак.

Шу боис инсон ҳақидаги ўйлар, инсон ҳақида ғамхўрлик бизнинг бутун сиёсатимиз, катта ва кичик режаларимизга мезондир. Озодлик байроғи кўтарилган ҳур Ватанимизда инсон бахту саодати — пировард мақсадимиз! Бунинг учун биз турмушимизни юксак маънавият қонуниятлари асосида қайта қуришга бел боғладик.

Бугунимиз — эртамизнинг пойдевори. Ҳозир тушуниш муҳим: биз кечирган кечаги тирикчилик билан биз қуражак эртанги ҳаёт ўртасида еру осмонча тафовут бор. Биз кўрган-билган ижтимоий пиллапояда инсон энг қуйи поғонада турган ва олий, ҳатто ундан ҳам юқори маълумоти билан мурватлик вазифаларига яраган, холос. Озод ҳаёт, эркин меҳнат учун мурватлар эмас, ташаббускор, шижоаткор бунёдкорлар керак!

Мукаммал ва фозил кишилар ҳақидаги орзу — башариятнинг азалий орзусидир. Фақат эндиликда — давлатимиз мустақил сиёсат олиб бораётган даврда шахсиятларнинг ҳар томонлама такомили, истеъдод ва салоҳиятларнинг ривожи учун кенг уфқлар очилмоқда. Маънавий қадриятларни бизлар ўйлаб топишимизга ёки қайтадан кашф этишимизга зарурат йўқ. Ота-боболаримизнинг миллий бисоти, Соҳибқирон ҳазратларининг маънавий мероси биз учун битмас-туганмас бебаҳо манбадир. Улардан руҳий қувват ва илҳом олиб, биз миллий анъаналаримизга янгича мазмун беришимиз, турмушимизда улардан кенг фойдаланишимиз керак. Ҳаётимиз қанчалик тўкис ва кўркам бўлса, маънавий оламимиз ҳам шунчалик бой ва сермазмун бўла боради. Биз ҳар муассаса ва ҳар оилани чинакам маънавият ўчоқларига айлантиришимиз керак. Янгича расм-русумларни ҳаётга жорий этишимиз, муомала ва муносабатларнинг янгича шаклларини ўзлаштиришимиз керак. Ихтиёримиздаги жамики воситаларни тараққиёт мақсадларига бўйсундиришимиз лозим. Янгича асосларда архитектура, адабиёт ва санъат ютуқларидан, матбуот, телевидение ва радио имкониятларидан мумкин қадар кенг фойдаланмоғимиз керак. Ҳар бир хонадон, унинг ички ва ташқи кўриниши, унинг аъзоларининг қиёфаси, маросими ва тўй-томошалари, таомил ва удумлари обод шаҳар ва қишлоқларимиз жамолига, обод маҳалламиз чиройига, эркин ҳаётимиз манзараларига ярашиб туриши, давр талабларига жавоб бериши шарт. Қисқа қилиб айтганда, биз шонли тарихимизга, шавкатли аждодларимизга муносиб бўлишимиз, онаюртимизни ниҳоятда севишимиз ва ардоқлашимиз керак. Токи салафларимиз руҳлари бизлардан рози бўлсинлар!

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президентимизнинг жасоратли ташаббуси билан Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур йилларини ўтказиш ҳақидаги, фармонлари, яна қатор буюк алломаларимизнинг таваллуд топган йилларини, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз шаҳарларининг тўйларини ўтказиш ҳақидаги фармонлар халқимизнинг миллий ғурурини кўтаришнинг энг юксак чўққисидир. Тошкентда Амир Темур ва темурийлар музейининг ташкил этилишини, пойтахтнинг қоқ марказида Амир Темур ҳайкали ўрнатилиб, унга Соҳибқиронинг ҳаракат, фаолият шиори «Куч — адолатдадир» деган битикнинг ёзилиши халқимиз миллий онгининг ўсишида катта хизмат қилди. Миллий университет, миллий театр, миллий кутубхона, консерватория бу борадаги ишларнинг давомидир.

Табаррук заминда, ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқандда буюк Соҳибқиронга ҳайкал ўрнатилиши эса теран мажозий маънога эгадир. Улуғ шоиримиз ҳазрат Навоий ҳам «ушоқ тошини инжу»га ўхшатган, «Фирдавсмонанд» деб таърифлаган Самарқанд Амир Темур даврида жаҳоннинг энг шуҳратли, энг ҳайратли шаҳарларидан бирига айланган эди. Ўша даврда Самарқандга ҳатто Европанинг машҳур шаҳарлари тенг кела олмаган. Самарқанднинг беқиёс довруғи бевосита Соҳибқироннинг номи билан боғлиқ. Буюк Соҳибқирон унда афсонавий қасрларни, муҳташам саройларни, дилкушо боғларни, гўзал чаманзорларни яратган. Шаҳар атрофида пешвоз давлатларнинг пойтахтлари номи билан аталган қишлоқларнинг барпо этилиши унга мўъжизавий жуғрофий жозиба бахш этган. Етти иқлимнинг ҳунармандлари, донгдор олимлари, ориф инсонлари Самарқандни ватан этганлар, ўзларининг қалб қўрларини унга бағишлаганлар.

Соҳибқирон ҳазратлари озод ва обод этган, жони-дили билан севган қадимий ва навқирон Самарқанднинг Амир Темур ордени билан тақдирланиши — эркпарвар, адолатпарвар ҳар инсонга туҳфадир. Кўҳна Кўксарой қошида бунёд этилган буюк зоти шарифнинг улуғвор ҳайкали эса унинг салтанати боқийлигининг рамзий нишонидир!

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Г. ПРОХОРЕНКО,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 334, 30179 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — Р. ЁРЛАҚАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[т] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21. 00.
1 2 3 4 5 6

Дилбандлар яйрасин деб...

Ҳар йили баҳорда болаларни эртакларнинг сеҳрли оламига олиб кирувчи мўъжизакор боғлар барпо этиш ва уларни келажак ворисларига туҳфа қилиш Андижон шаҳрида анъанага айланиб қолди. Ўтган йилнинг кўкламида шаҳар марказида болалар боғи барпо этилган эди. Бу йил эса катта теннис корти ёнида яна бир оромгоҳ кичкинтойларни ўз бағрига олди. Катта саҳнада намойиш этилаётган концертлар, ранг-баранг томошалар, улкан чархпалак, карусель ўғил-қизлар шодлигига шодлик қўшмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

"TEZINTOM" ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ ҚК
TEZINTOM
ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

ТУРЛИ РАНГДАГИ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТОМ ЁПҚИЧ АНЖОМЛАРИДАН ИБОРАТ БЎЛМИШ ТОМЛАР ТЎЛИҚ КОМПЛЕКТЛАРИНИ ТОПШИРИШ:
• Вараҳсимон ва доналик металлочерепицалар
• Майда тароқли уч хил турдаги профнастил (профил баландлиги 19 мм)
• Кўп турдаги аксессуарлар (том зардоби элементлари). Металлочерепица ва профнастил узунлиги 0,95 дан 12-метргача. 1 квадрат метр маҳсулотнинг вазни 4,5 кг. Том анжомларини барчаси Ғарб ускуналарида чет эл ҳомашёсидан тайёрланади.
ДЕВОР ВА ОСМА ШИФТ ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛЛАРИ, ЎРНАТГИЧ ЭЛЕМЕНТЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА
Турли рангдаги полимер қопламалик, қалинлиги 0,5 мм.лик пўлатдан ясалган.

Гўзал ва ишончли

ТУРЛИ РАНГДАГИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛАРИ БИЛАН БЕЗАК БЕРИШ:
"МЕЕН" (Германия) фирмаси технологияси асосида агрессив муҳитга металл ва электр ўтказувчи пластмасса маҳсулотларига.
ГЕРМАНИЯНИНГ "НЕВО" ФИРМАСИ УСКУНАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЮКСАК БАДИИЙ САВИЯДАГИ НОЙЁБ МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАРИ
Жимжимадор панжаралар, суянчиқлар, гаройиб дарвозалар, қандиллар ва бошқа гўзал буюмлар.

Манзил: Тошкент ш., Муҳиддинов к., 1(ТОЭМЗ-1). Мўлжал: "Буюк Ипак йўли" м. ст.
"ТЕЗИНТОМ" қўшма корхонаси маҳсулотларининг нархлари сезилларли камайтирилган
Тел.: (998-71) 162-42-47, 162-78-50, 162-42-74. Факс 162-41-05. E-mail: tezintom@globalnet.uz

«ЎЗГЎШТСУТСАНОАТ» давлат акционерлик уюшмаси
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «Кох-ота» кўчаси, 75-уйда жойлашган
2 қаватли, майдони 840 м.кв. бўлган биносини
ИЖАРАГА БЕРАДИ.
Маълумот учун телефонлар: 144-38-33, 144-35-06.

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»И
ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
⊖ валюта айирбошлаш шохобчаси назоратчиси;
⊖ валюта айирбошлаш шохобчаси кассири.
НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:
⊖ валюта айирбошлаш шохобчаси назоратчиси олий ёки ўрта махсус иқтисодий маълумоти;
⊖ валюта айирбошлаш шохобчаси кассири билим даражаси ўрта маълумотдан кам бўлмаслиги лозим;
⊖ компьютерда ишлай олиш қобилияти.
Таклифлар билан қуйидаги манзилга мурожаат этинг: Тошкент ш., Муқимий к., 43-уй. Мўлжал: метронинг «Ҳамза» бекати. Телефонлар: 173-25-49, 120-88-12.

ХАЛҚ БАНКИнинг ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ
BANK XALQ BANKI
танлов асосида қуйидаги лавозимларга ишга таклиф этади:
⇨ валюта айирбошлаш шохобчаси бухгалтер-назоратчиси;
⇨ валюта айирбошлаш шохобчаси кассири.
Танловда қатнашувчи номзод:
- валюта айирбошлаш шохобчаси бухгалтер-назоратчиси олий ёки ўрта махсус иқтисодий маълумотли;
- валюта айирбошлаш шаҳобчаси кассири ўрта махсус иқтисодий маълумотли;
- компьютерда ишлашни билиши (Windows, Microsoft Word & Excel);
- Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда қайд этилган бўлиши шарт.
Бизнинг манзил: Тошкент ш., «Халқлар дўстлиги», 6-уй. Телефонлар: 45-35-44, 45-35-52.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ қуйидаги иншоотларга очиқ танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади.
1. Наманган вилояти, Чуст тумани, «Ахча» ширкат хўжалигидаги қурилиши тугалланмаган 22-ўрта мактаб. Қурилишни бажариш муддати — 180 кун.
2. Косонсой тумани, «Дўстлик» ширкат хўжалиги, Ёшлик қишлоғидаги 140 ўринли болалар боғчасини 300 ўринли мактабга мослаштириш. Қурилишни бажариш муддати — 220 кун.
Буюртмачи: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси. Телефонлар: 6-22-60, 3-77-06.
Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин:
Наманган ш., А.Навоий к., 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават).
Бир нўсхаси тендер ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.
Тел./факс: (8-36922) 6-14-50, 6-47-91.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин соат 14.00да қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, 59-уй (Вилоят иқтисодиёт бош бошқармасининг мажлислар зали).

Тошкент давлат техника университети жамоаси «Ўзбекистон тарихи» кафедрасининг катта ўқитувчиси **Мирҳайдар ЖУМАҲАМБЕТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.